EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
UIF = 8.1 | SJIF = 5.685 www.in-academy.uz

ҚУШЛАРНИНГ ХУЛҚ АТВОРИДА ЎРГАНИШ ҚОБИЛИЯТИ

Сулаймонова Зироат
ФарДУ, биология 2-курс магистранти
https://doi.org/10.5281/zenodo.6476051

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-aprel 2022
Ma'qullandi: 10-aprel 2022
Chop etildi: 15-aprel 2022

KALIT SO'ZLAR

мантиқий, популяция, биоценетик, индустриал, акустинг, телебрлар, зяблик, гормонал, индивидуал, сорокопут, галкалар.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада қушларни ҳар хил шароитда ўрганиш қобилиятлари ҳақида, реакция нормалари, уя участкаларини эгаллаши ҳақида айтилади.

Табиатда эътибор бериб қараса, уларнинг бир-бирига нисбатан хилма-хил муносабатларни кузатиш мумкин. Қушларда тақлид қилиш ўрганиш уларнинг хулқ атворидаги муҳим мосланиш хусусиятларидан ҳисобланиб, мантиқий фаолиятида хулқ-атвор реакциялари нормасини кенгайтиради, хулқ атворни эгилувчан қилади, ташқи атроф муҳитнинг шароитларига мослайди.

Ўрганиш қобилияти ҳисобига тажрибалар шундан далолат берадики, ёмон ҳис қиладиган қушлар ҳам битта нарса кўплаб қатарилганидан сўнг элементар мантиқий фаолиятларни талаб қилувчи вазифаларни бажаради. Масалан: маълум рангдаги яшикларни топиб, унинг ичидаги донини ейди. Қарғасимонларнинг вакиллари қаттиқ нарсани, м: ёнғоқни тумшуғи билан тишлаб йўлни кесиб ўтиш жойида парвоз қилиб, юқори баландликка учиб сўнг оғзидагини йўлакка ташлайди ва бир четда уни машаналар босиб ўтишини кузатади. Босиб ўтилган ёнғоқ мажақланганида учиб келиб мағзини ея бошлайди.

Бундай ўрганилиш ҳисобига қушлар популяциясидаги йиғилган тажрибалар наслдан-наслга берилади.

Қушларнинг популяцияларида ва камроқ биоценотик жуфтликларида мосланиш, ваҳимага тушиш қобилияти (м: уяси чегарасига бошқа бир тур қуш кириб қолганида) олдиндан маълумдир.

Маълум турга мансуб ва биоценотик жуфтликлардаги қушларнинг овози индустриал овозлар ва ўлик табиатдаги овозларга нисбатан кўчирилиши мураккаб амалга ошади. Қушларнинг акустик қўрқитишлардаги имконият таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки

“гапирувчи” қушларда одамни нутқини қайтарувчиларда ортиши мумкин.

Профессионал ратистлар ҳам ўзини овозини бошқа одам овозига ўхшатишга ҳаракат қисада, улар ҳам саросимага тушиб қалтирайди.

“Гапирувчи” майналар овозини ёзиб олаётган В.Сорпе шуни маълум қиладики, қуш одамнинг овозини тўлиқ ўхшаш тембрларини яратиб нозик деталларгача нусхасини олади.

Бундай масалаларни махсус ўрганувчи олим А.С.Молчевский “гапирувчи” канарецкалар, майна, пашшатутарлар ва бошқа қушларнинг айрим турларида қайд қилиб, қушларнинг бундай хусусиятлари ҳақида олдин ҳам шубҳаланмаган эди.

Ҳозирги вақтда Парижда ҳар йили ўзига хос “гапирувчи тўтиқушлар конкурси” ўтказилади. Конкурс ғолиблари 500 тагача сўзларни қатаради ва 150-200 тагача фикрни фразаларни такрорлайди.

В.Сорпенинг маълумотича зябликларда қўшиққа ўргатиш 3 та босқичда ўтади:

1. Уя қурганидан кейин;
2. Кузги;
3. Баҳорги.

Бунда охирги 2 та давр катта аҳамиятга эгадир. Ёш эркак қушлар катта ёшдаги эркак қушларни куйлашидаги овозини эшитиб қалтирашади.

Кузда уя участкаларига учиб келган ёш урғочилари интенсив куйлайди ва бир вақтнинг ўзида катта эркакларини қўшиғини эшитиб, ўзларини турига мос қўшиқларни ўрганади. Шундай қилиб бир неча баҳорги кунлар уларнинг турларига оид қўшиқларини шаклланиши ва бир вақтнинг ўзида ёш зябликларни ўргатиш жараёни билан якунланади. Катта ёшдаги қушлар одатда кичик ёшдагиларга нисбатан ёмонроқ ўрганади, аммо сезувчанлик даврини гормонал инекциялар ёрдамида тиклаб қайтариши мумкин.

Қушлар узоқ давомли ўргатилишида ҳар хил товушларни қабул қилади ва энг муҳими турли қўшиқлар, уларнинг шахсий индивидуал қўшиқлари қайтарилмайдиган такрорлармасликка эга бўлади ва ягона бўлиб қолади.

Тур ичидаги катта ўзгарувчанлик алоқалари билан қушларни қўшиқлари ўзини туридаги жуфтлигини овозга ўхшашлик қобилиятини эгаллашда катта аҳамиятга эгадир.

Қўшни территорияни эгаллаётган 2 та нар қуш учун бир-бирини қўшиғига зхшатиб куйлаши катта агрессивлик вазифасини бажаради. Эгаллаган участка хўжайини қушниси овози шундай вақтда ижро этиладики, қушниси бошқа участкага учиб кетиб, ўша жойни эгаллаганида.

Laniarius авлодлари вакилларида м: Африка сорокопутларида ўзини жуфтликларини ҳосил қилганидан сўнг куйлай бошлашади. Бошқа турида урғочилари куйламайди.

Қушларга тажрибада қопқоқдаги доғлар сони ўргатилган ва бу бир неча марта такрорланган. Қарғалар ва бу бир неча марта такрорланган. Қарғалар ва тўтиқушларнинг эслаш қобилияти 7 та доғгача чегараланган. Йўлли тўтиқушлар ва галкалар 6 тагача санашга ўргатилган, каптарлар 5 тагача.

Демак тадқиқотчи олим О.Келернинг тажрибалари шуни кўрсатадики, қушлар сут эимзувчилар

сингари бир хил ҳолатда кўп сонларни ўқишга ўрганиши мумкин экан.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Б.А.Симонов – "Певчие и декоративные птицы". Изд.Узбекистан. Ташкент – 1977 г.
2. Р.Н.Мекленбурцев – "Птицы и моды". Изд. "Ўқитувчи". Ташкент – 1987 г.
3. Ж.Л.Лаханов – "Ўзбекистоннинг умуртқали хайвонлари аниқлагичи". "Ўқитувчи". Тошкент – 1988 й.
4. В.М.Храбрый – "Школьный атлас определитель птиц". Изд. "Просвещение". Москва – 1988 г.
5. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. II жилди. "Чинор" ЕНК. Тошкент – 2009 й.